

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИДА АКТИВЛАР СИФАТИНИ МУСТАҚИЛ БАҲОЛАШ (AQR) МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

С. Ғайбуллоев

Кимё университети мустақил илмий тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон тижорат банклари Asia Alliance Bank, Алоқабанк ва Микрокредитбанкнинг 2020–2025 йиллардаги статистик маълумотлари асосида банк активлари сифатини мустақил баҳолаш (AQR - Asset Quality Review) марказини ташкил этишнинг зарурати, концептуал модели ва амалий йўл харитаси тадқиқ этилади. Ушбу мақолада ривожланган ва ривожланаётган давлатлар банк тизимида AQR тажрибаси таҳлил этилади. ХВФнинг 2023 йил бўйича FSAP ҳисоботидаги хулосасида «targeted AQR is warranted» иборасини мақсадли ташкил этишга халқаро асос сифатида кўрсатилади. Ўзбекистон Марказий банки тасарруфида уч босқичли AQR Маркази (Pilot 2025–2026 йиллар, Кенгайтириш 2027–2028 йиллар, Тизимлаштириш 2029 йил) концептуал модели таклиф этилади.

Калит сўзлар: AQR, активлар сифати, NPL, МХХС 9, ECL, ЕМБ, ХВФ FSAP, банк назорати, Ўзбекистон банк тизими, Asia Alliance Bank, Алоқабанк, Микрокредитбанк, пруденциал тартибга солиш.

Abstract. This scientific article examines the necessity, conceptual model, and practical roadmap for establishing an independent Asset Quality Review (AQR) center, based on statistical data from the Uzbek commercial banks Asia Alliance Bank, Aloqabank, and Microcreditbank for the period 2020-2025. The article analyzes the AQR experience within the banking systems of developed and developing countries. The phrase "targeted AQR is warranted" from the IMF's 2023 FSAP conclusion is presented as an international basis for this targeted establishment. A three-stage conceptual model for an AQR Center under the Central Bank of Uzbekistan is proposed: Pilot (2025-2026), Expansion (2027-2028), and Systematization (2029).

Keywords: AQR, asset quality review, NPL, IFRS 9, ECL, ECB, IMF FSAP, banking supervision, Uzbekistan banking sector, Asia Alliance Bank, Aloqabank, Mikrocreditbank, prudential regulation.

Аннотация. В данной научной статье исследуется необходимость, концептуальная модель и практическая дорожная карта создания Центра независимой оценки качества банковских

активов (AQR - Asset Quality Review) на основе статистических данных коммерческих банков Узбекистана Asia Alliance Bank, Алокабанк и Микрокредитбанк за 2020-2025 годы. В данной статье анализируется опыт АБР в банковской системе развитых и развивающихся стран. Фраза "targeted AQR is warranted" в заключении МВФ FSAP за 2023 год указывается в качестве международной основы для целенаправленной организации. Предлагается концептуальная модель трехэтапного Центра США (Пилот 2025-2026, Расширение 2027-2028, Систематизация 2029) при Центральном банке Узбекистана.

Ключевые слова: AQR, качество активов, NPL, МСФО 9, ECL, ЕЦБ, МВФ FSAP, банковский надзор, банковская система Узбекистана, пруденциальное регулирование.

КИРИШ

Банк активлари сифатини мустақил баҳолаш - AQR (Asset Quality Review) замонавий молиявий назоратнинг энг самарали инструментларидан бири сифатида жаҳон амалиётида тасдиқланган. ЕМБ (2014), АҚШ ФЗТ (2009), Япония FSA (2002) ва Қозоғистон НБРК (2019) тажрибалари шуни кўрсатдики: банкларнинг расмий молиявий ҳисоботлари кредит портфели сифатини ҳамиша тўлиқ акс эттирмайди. AQR кредит файлларини чуқур текшириш, гаров қийматини мустақил баҳолаш ва ECL захира етарлилигини ЕМБ/ХВФ методологияси асосида тасдиқлаш воситаси.

Ўзбекистон банк тизими 2020–2025 йиллар давомида жадал ўсишни бошдан кечирди. Asia Alliance Bank, Алокабанк ва Микрокредитбанк расмий маълумотлари базасидан олинган реал кўрсаткичлар асосида таҳлил этилади. Уч банкнинг жами активлари 2020 йилдаги 21.32 трлн. сўмдан 2025 йилда 71.09 трлн. сўмга - 3.3 баробар ошди. Бирок, ушбу ўсиш фонида айрим тизимли муаммолар - Алокабанкда LDR нинг 117% га кўтарилиши, Микрокредитбанкнинг ROA кўрсаткичи 2024 йилда -6.28%, ва 1.955 трлн. сўм захира харажатлари активлари сифатини мустақил баҳолашнинг зарурлигини кўрсатмоқда.

Мақоланинг мақсади: Ўзбекистон Марказий банки расмий статистика маълумотлари асосида учта банкнинг 2020–2025 йиллардаги молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил этиш, AQR активлари сифатини мустақил баҳолаш зарурлиги ва Ўзбекистонда активлари сифатини мустақил баҳолашни ташкил этишнинг илмий асосланган концептуал моделини ишлаб чиқишдан иборат.

МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотда Ўзбекистон Марказий банкининг расмий молиявий статистика маълумотлари базасидан 2020–2025 йиллар якунидаги кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти сифатида Asia Alliance Bank, Алоқабанк, Микрокредитбанк каби йирик, ўртача ва кичик тоифадаги банклар вакиллари сифатида танлаб олинган. Ушбу банкларни танлашда икки мезон асос бўлди: биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларида тўлиқ йиллик маълумот мавжудлиги; иккинчидан, банкларнинг ҳажм ва бизнес модели жиҳатидан фарқ қилиши асос бўлган.

Методологик асос: статистик тренд таҳлили, горизонтал ва вертикал таҳлил, корреляция таҳлили, сценарий моделлаш (стресс-тест), қиёсий таҳлил усуллари, ХВФ FSI ва Basel қўмитаси методологияси.

Илмий тадқиқотда қуйидаги методлар қўлланилди: горизонтал таҳлил - кўрсаткичларнинг йиллик динамикаси; вертикал таҳлил - баланс таркибини баҳолаш; нормативлар мувофиқлиги таҳлили ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Basel III меъёрлари билан таққослаш; AQR зарурати кўрсаткичларини NPL, захира харажатлари ва ROA; халқаро таққослама таҳлил ЕМБ, АҚШ, Япония, Қозғистон AQR тажрибаларига асосланган.

Asset Quality Review (AQR) банкларнинг кредит портфели, инвестициялар ва балансдан ташқари мажбуриятлари сифатини мустақил ва чуқур баҳолаш ҳисобланади. AQR нинг амалдаги тафтишдан (audit) ва пруденциал назоратдан асосий фарқи, у махсус методологик тизим ва мустақиллик тамойили асосида ўтказилади.

Европа Марказий банки (ЕМБ) томонидан “AQR банкнинг активлар баҳоси, классификацияси ва шу асосда шакллантирилган захираларнинг аниқлиги ва тўлиқлигини мустақил баҳоловчилар томонидан текширишдан иборат” деган таъриф берилади. 2014 йилда ЕМБ ягона назорат механизми (SSM) доирасида Европа банк тизимидаги 130 та тизимли аҳамиятли банкнинг 3 трлн. евролик активини AQR орқали баҳолади.

Банкларда AQR мақсади банк молиявий ҳолатини аниқлаш, ахборот асимметриясини камайтириш ва капитал буферларининг реал даражасини белгилаш. Банкларда AQR тизим уч блокки методологик асосдан иборат:

- банк портфел сифати таҳлили (Portfolio Sampling): Кредит портфелидан статистик намуна олиш, ҳар бир кредит файлларини чуқур текшириш, PD/LGD/EAD параметрларини қайта баҳолаш.


- гаров (таъминоти)ни баҳолаш: мустақил баҳоловчилар томонидан қўчмас мулк, техника ва бошқа активлар қийматини бозор нархи асосида қайта ҳисоблаш.

- захиралар етарлилигини текшириш: MXXC 9 ECL (Expected Credit Loss) модели асосида захираларнинг реал йўқотишларни қоплаш учун кифоялилигини баҳолаш.

Мақолада МХХС 9 ECL модели (PD/LGD/EAD параметрлари), IFRS 13 ҳаққоний қиймат стандарти, BCBS 144 ликвидлилик тавакалчилигини бошқариши тамойиллари ва ХВФ FSI методологияси (IMF, 2019) асос сифатида қабул қилинган.

НАТИЖАЛАР БЎЛИМИ

Қуйидаги келтирилган 1-расмда учта банкнинг жами активлар, хусусий капитал ва жами депозитлар динамикаси тасвирланган.



1-расм. Тижорат банкларининг активлари, хусусий капитали ва депозитлари динамикаси⁴⁶, (трлн. сўм)


Ушбу 1-расмда акс этган учта банкнинг 2020-2025 йиллар давомидаги баланс кўрсаткичлари ўсиш суръатидаги кескин фарқларни кўрсатмоқда. Активлар бўйича Алоқабанк барча йилларда энг йирик банк сифатида ажралиб туради ва 2025 йилда 31,5 трлн. сўмга етиб, 2020 йилга нисбатан 3,9 баробар ўсган. Микрокредитбанк эса 10,3 трлн. сўмдан 30,7 трлн. сўмга кўтарилди, яъни мутлоқ ўсиш миқдори бўйича Алоқабанкка яқинлашди. Asia Alliance Bank кичикроқ базадан бошлаган бўлсада, энг юқори ўсиш суръатини кўрсатиб, 2,9 трлн. сўмдан 8,8 трлн. сўмга, яъни 3 баробарга ошган. Капитал динамикаси алоҳида эътиборга молик бўлиб, бунда Микрокредитбанк 2022 йилда капиталини 1,7 трлн. сўмдан 3,6 трлн. сўмга оширди ва бу давлат томонидан амалга оширилган капитализация натижаси ҳисобланади. Депозитлар бўйича барча уч банкда изчил ўсиш кузатилди, аммо Микрокредитбанкда депозитлар 2025 йилда 9,73 трлн. сўм

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

билан кредитларга (19,98 трлн. сўм) нисбатан икки барабар камлигини кўриш мумкин. Бу эса, банк ликвидлилигини қоплаш LDR кўрсаткичининг 205,4% даражасида қолишининг асосий сабабларидан бири бўлиб, AQR зарурлигини асослайдиган биринчи далил ҳисобланади.

Таҳлил объекти ҳисобланган банкларнинг 2020–2025 йиллардаги 14 та асосий молиявий кўрсаткичини тўлиқ таҳлил этилди ва тизимлаштирилди. Ўзбекистонда AQRга ўтиш зарурати тўртта тизимли омил билан асосланди:

- давлат улуши мавжуд банкларнинг устун мавқега эгалиги;
- кредитлар сифати ва таснифни алоҳида мустақил баҳолашни ташкил этиш;
- МҲХС 9 нинг ECL модели стандарт эмаслиги ва тез кредит ўсишидан юзага келиши мумкин бўлган яширин NPL мавжудлиги.




2-расм. Тижорат банкларининг CAR, LCR, NSFR ва HQLA нормативлари динамикаси ⁴⁷

Ушбу расмда банкларнинг пруденциал нормативлар профилини батафсил келтирилган. Банкларнинг капитал монандлилиги кўрсаткичлари панелида энг муҳим жиҳат Алоқабанкда

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.


2022 йилдаги 12,49 фоиз Марказий банк томонидан ўрнатилган 13 фоиз минимал меъёридан паст бўлиб, белгиланган нормативлар бузилган. Ушбу пасайиш кредит портфелининг тез кенгайиши (2020-2022 йилларда 5,70 трлн. сўмдан 8,9 трлн. сўмга) капитал базасидан ошиб кетганлигини билдиради. Алоқабанкнинг ликвидлик кўрсаткичлари панелида 2021 йилдаги 110,9 фоиз ва 2023 йилдаги 103,1 фоиз минимал 100% меъёрининг чегарасига яқинлашиб хавотирли ҳисобланади. Банк бўйича 30 кунлик стресс сценарийсида банк ликвидликни қоплаш кўрсаткичи 86 фоизга тушиши мумкинлиги кўрсатди. Соф барқарор молиялаштириш панелида барча уч банк меъёрни бажарди, аммо Алоқабанкда 2022 йилдаги 100,9 фоиз қуйи чегарада хавотирли ҳисобланади.



3-расм. Тижорат банкларининг ROA, ROE, соф фойда ва операцион самарадорлик кўрсаткичлари динамикаси⁴⁸

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу расмдаги тўрт панел тадқиқот объекти бўлган уч банкнинг рентабеллик ва молиявий самарадорлик профилини кўрсатади. Бунда активлар рентабеллиги (ROA) панелида энг паст кўрсаткич Микрокредитбанкнинг 2024 йилдаги 6,3 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳолат банк 1,7 трлн. сўм зарар кўргани билан изоҳланади. Мазкур зарар захира харажатларининг 1 955 млрд. сўмга ошиши билан бевосита боғлиқ ва бу кредит портфелининг сифатини мустақил баҳолаш (AQR) зарурлигини кўрсатади. Asia Alliance Bank 2022 йилдан бошлаб ROA ни 2,5 фоиздан 2025 йилда 6,2 фоизгача оширган ва бу банк тизимида юқори рентабеллик ҳисобланади. Соф фойда панелида Микрокредитбанкнинг 2024 йилдаги -1,7 трлн. сўм зарари графикда яққол кўринмоқда. ROE панелида Ация Аллианс Банкда 2023 йилдаги 45,4% капитал самарадорлигининг энг юқори даражаси ҳисобланади. Банкларнинг операцион самарадорлик панелида Микрокредитбанкда 2024 йилдаги 80,1 фоиз натижаси самарадорлик кўрсаткичлари кескин ёмонлашганини кўрсатган.




4-расм. Тижорат банкларининг AQR зарурати учун LDR, NPL, захира харажатлари кўрсаткичлари ⁴⁹

Мазкур 4-расмда уч панели айнан банклар фаолиятида активлар сифатини мустақил баҳолаш (AQR) зарурлигини асослайдиган кўрсаткичларни келтирилган. Банкларда кредитларнинг депозитларга нисбати кўрсаткичи Микрокредитбанкда барча таҳлил қилинган йиллар давомида 205–350% оралиғидаги кўрсаткич - бу банк депозитларининг 2–3 бараварига тенг кредитлар бергани, молиялаш учун банклараро бозорга тўлиқ боғлиқ эканлигини билдиради.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Алоқабанкда 2020 йилдан 2025 йилгача кредитнинг депозитларга 115,7 фоиздан 117,1 фоизга ўсиши кредитлаш депозит базасидан доим олдинда. NPL панелида Алоқабанкда 2023 йилдаги кескин ўсиш 310 млрд. сўм муҳим ўсиш бўлган бўлса, 2024 йилда 105 млрд. сўмга пасайиш кузатилган бўлсада, 2025 йилда яна 516 млрд. сўмга ошиши NPL бошқарувида тизимли муаммо мавжудлигини кўрсатади.

Банкларнинг захира харажатлари панелида Микрокредитбанкнинг 2024 йилдаги 1 955 млрд. сўм захираси харажати тизимдаги энг катта юклама ҳисобланади. Бу кўрсаткич AQR дан олдин кредитлар сифатининг мустақил баҳоланмагани ва унда ECL модели параметрларининг стандартлашмагани ҳисобланади.



5-расм. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлик профили⁵⁰

Ушбу 5-расмда банклар фаолиятининг еттита кўрсаткич бўйича нормалаштирилган (0-100 шкала) профиллар таққосланмоқган. Asia Alliance Bank (тўқ кўк) барча еттита кўрсаткич бўйича энг мувозанатли ва кенг профилга эга бўлган. Айниқса ROA (6,2%), CIR (38,1%) ва LDR (63,7%)

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

бўйича тизим етакчи бўлганини кўриш мумкин. Алоқабанк (ўрта кўк) LCR ва NSFR кўрсаткичлари бўйича етарли, аммо LDR (117,1%) бўйича профилнинг тузилиши пастга тушиб бузилган. 2025 йилдаги NPL 516 млрд. сўм эса график ташқарисида қолгани ташвишли кўрсаткич сифатида қаралади. Микрокредитбанк (яшил) CAR (18,5%) ва NSFR (113%) бўйича кучли позиция, аммо LDR кўрсаткичи (205,4%) бўйича жуда юқори ва ROA (0,59%) бўйича жуда паст даража профилни янада кичрайтормокда. Банкнинг 2024 йил якунида - 6,3 фоизни ташкил этган ROA кўрсаткичидан, кейинги 2025 йилда 0,59 фоизга қайтиши тикланув белгиси бўлсада, аммо давомий мониторинг талаб этади. Ушбу диаграммадан умумий хулоса қилиб, Ўзбекистонда AQR марказини ташкил этишда мақсадли амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон банк амалиёти учун Қозоғистон миллий банки тажрибаси энг яқин ва амалий жиҳатдан мақбули ҳисобланади. Қозоғистон миллий банки томонидан 2019–2020 йилларда KPMG ва Deloitte жалб қилиниб, 14 та йирик банк баҳоланди, шундан 3 та банк ликвидлаштирилди. Қуйидаги келтирилган 1-жадвал да AQR нинг 5 та халқаро намунаси таққослама таҳлилий маълумот берилган.

1-жадвал

Халқаро амалиётда AQR тажрибасининг таққослама таҳлили⁵¹

Параметр	ЕМБ 2014	АҚШ SCAP 2009	Япония FSA 2002	Қозоғистон 2019	Ўзбекистон банк тизими учун таклифлар
Банклар	130	19	11	14	30+ (1-навбат: 9*)
Активлар	3.72 трлн.евро	2.5 трлн.АҚШ доллари	1.5 трлн.япон иенаси	180 млрд.АҚШ доллари	~300 трлн. сўм
Ташкилотчи	ЕМБ+SSM	ФЗТ+Хазина	FSA	НБРК+ЖБ	ЎзМБ+ХВФ/ЖБ
Аудит	Oliver Wyman+Big4	Big4	Big4	KPMG+Deloitte	EY+PwC+KPMG
Асосий топилма	+136 млрд.евро захира	74.6 млрд. АҚШ доллари капитал	8.7 трлн. япон иенаси захира	3 банк тузатилди	Эрта аниқлаш
Давомийлик	12 ой	6 ой	3 ой	18 ой	18 ой (1-фаза)

*давлат улуши мавжуд банклар

⁵¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Таҳлил амалга оширилган давлатлар банк тизимида баҳоланган банклар сони ва актив ҳажми AQR самарадорлигининг биринчи мезони ҳисобланади. ЕМБ 2014 дастури 130 банк ва 3,72 трлн евролик активни қамраб олган тарихдаги энг кенг қамровли AQR ҳисобланади. АҚШ да SCAP эса атиги 19 банкни текширган, лекин 2,5 трлн долларлик актив концентрацияси тизимнинг юқори монополлашганлигини тасдиқлайди. Япония FSA нинг 11 банк билан чекланиши ва Қозоғистоннинг 14 банкли тажрибаси нисбатан тор, аммо мақсадли жараёнлар сифатида қараш мумкин. Ўзбекистон учун таклиф этилган 30+ банк (1-навбатда 9 та) давлат улуши мавжуд банкларни устувор тарзда баҳолаш таклиф этилди.

AQR баҳолашни ким амалга ошириш масаласида, аксарият мамлакатларда Марказий банклар шуғулланган ва унинг моделлари назорат ва молиявий кафолатни бирлаштирган иккиёқлама механизмни намоён этади. Қозоғистон миллий банки ва Жаҳон банки ҳамкорлиги кўпчилик мамлакатлар учун мақбул модел ҳисобланади ва Ўзбекистон учун таклиф этилади.

Барча ривожланган давлатлар тажрибасида BIG4 аудит компаниялари ёки уларга тенгдош фирмалар AQR ни мустақил тасдиқлаган. Ўзбекистон учун KPMG ёки бошқа бир йирик аудиторлик компаниясини таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, халқаро аудит стандартларини миллий экспертиза билан уйғунлаштириш мақсадини кўзда тутати ва ишончилиликни таъминлаш учун зарур шарт ҳисобланади.

Банкларда AQR дастурларини жорий этиш миқёси, ташкилотчилик тузилмаси ва вақт оралиғи мамлакатнинг банк тизими ривожланганлик даражасига мутаносиб равишда мослаштирилади. Ўзбекистон учун таклиф этилган модел Қозоғистон тажрибасига яқин, аммо ЕМБ ва ХВФ методологик стандартларидан фойдаланиш ҳамда уни сифат жиҳатидан юқорироқ даражага кўтариш имконини беради.

Ўзбекистон учун таклиф этилаётган AQR Маркази «Мустақил функционал бўлинма» модели, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасарруфида алоҳида мустақил орган асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Бу Қозоғистон миллий банки тажрибасига мувофиқ, аммо Ўзбекистон Марказий банки институционал мустақиллигини таъминлайди.

2-жадвал Ўзбекистонда AQR марказини ташкил этишнинг моделлари⁵²

Моделлар	Афзалликлари	Камчиликлари
Модел А: Ўзбекистон Марказий банки таркибида мустақил бўлинма	• Тез ташкил этиш • Назорат маълумотларига тўғридан тўғри кириш • Минимал ҳуқуқий ўзгаришлар • Қозоғистон миллий банки тажрибасига мос	• Марказий банки мустақиллигига «ички» таҳдид
Модел В: Алоҳида агентлик сифатида чиқариш	• Тўлиқ мустақиллик • ЕМБ SSM моделига яқин • Алоҳида молиялаштириш	• Янги қонун зарур • Узоқроқ ташкил этиш • Кўпроқ харажат
Модел С: Жаҳон банки ва ХВЖ билан ҳамкорликда	• Халқаро тажриба • Техник ёрдам • «Big 4» жалб қилиш осон	• Вақтинчалик • Халқаро ташкилот чикса, давом этмаслиги мумкин

Мазкур жадвалда урта институционал модел таққосланиб, ҳар бирининг афзаллик ва камчиликлари аниқланган. Бунда **Модел А** (Ўзбекистон Марказий банки таркибида мустақил бўлинма) тез ишга тушириш, норматив маълумотларга тўғридан-тўғри кириш ва Қозоғистон миллий банки тажрибасига мослиги билан ажралиб туради. Бироқ «Ўзбекистон Марказий банки мустақиллигига ички» таҳдид деб белгиланган камчилик моделнинг асосий институционал заифлиги ҳисобланади. Жаҳон банки FSAP 2025 маърузасида ҳам таъкидланганидек, назоратчи орган айни вақтда текшириладиган тузилмага тобе бўлиши объективликни чеклайди.

Модел В (Алоҳида агентлик сифатида ташкил этилади) ЕМБ жорий этган SSM моделига ўхшайди ва «тўлиқ мустақиллик» архитектурасига яқинлиги билан назарий жиҳатдан оптимал ҳисобланади. Аммо «янги қонун зарурлиги» ва «кўпроқ харажат» каби камчиликлар ушбу моделнинг амалий имкониятини пасайтиради.

Модел С (ЖБ/ХВФ билан қўшма) халқаро тажриба ва техник ёрдамни жалб этишда «BIG 4» аудит стандартларини осон татбиқ этиш имконини беради. Камчилик ваколат тақсимоотида

⁵² Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

хорижий ташкилот иштирокидаги давомийлик хавфи, яъни лойиҳа якунида институционал хотира мамлакатда қолмаслиги.

Таклиф этилган **A+C** комбинацияси ушбу иккиламчи хавфни оқилона ҳал қилади: дастлаб Ўзбекистон Марказий банки таркибида ташкилий тузилма (тезлик ва маълумот кириш) юзага келтирилади ҳамда ХВФ/ЖБ техник кўмаги асосида методологик стандартлар таъминланади. Бу ёндашув Қозоғистон миллий банки ва Жаҳон банки тажрибасига мазмунан ўхшаш бўлиб, у ерда ҳам дастлаб ички тузилма ишга туширилиб, кейин алоҳида тузилма сифатида ажратилди.

3-жадвал

AQR Маркази ташкилий тузилмаси ва кадрлар режаси⁵³

Бўлинма	Асосий вазифалар	Ходимлар сони	Малака талаблари
1. Кредит таҳлили бўлими	Кредит файллари чуқур текшириш, PD/LGD/EAD қайта ҳисоблаш, NPL классификация тафтиши	12–15 мутахассис	CFA/FRM, МҲХС 9 сертификат, банк назорати тажрибаси
2. Гаров баҳолаш бўлими	Мустақил баҳоловчиларни аккредитациялаш, IFRS 13 мувофиқлик назорати, кўчмас мулк экспертизаси	8–10 мутахассис	Лицензиялаш экспертизаси, RICS/AVA малакаси, МҲХС 13
3. Стресс-тест ва моделлаштириш	ECL модели валидацияси, стресс-тест ўтказиш, макро сценарийлар ишлаб чиқиш	6–8 мутахассис	Econometrics, Python/R, EBA/BCBS стресс-тест методологияси
4. Ҳуқуқий ва мувофиқлик бўлими	Меъёрий база ишлаб чиқиш, банклар билан шартнома тузиш, AQR натижаларини расмийлаштириш	4–5 мутахассис	Банк ҳуқуқи, МҲХС/IFRS, Basel III
5. Халқаро алоқалар бўлими	ЕМБ, ХВФ, ЖБ, BCBS билан координация, тажриба алмашиш, техник ёрдам жалб қилиш	3–4 мутахассис	Инглиз/немис тили, халқаро молия институтлари тажрибаси
ЖАМИ ХОДИМЛАР	Марказ имконияти: 7 та DSIB*, йиллик 7-9 та банк	33–42 мутахассис	Талабга асосан

* D-SIB - Domestic SIB, яъни **миллий** миқёсда тизимли аҳамиятга молик банк

⁵³ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу жадвалда AQR марказининг бешта функционал бўлинмасини, жами 33–42 мутахассис штатидан тузилмаси ва уларнинг малака талабларини белгилайди. Бу ташкилий лойиҳа инсон капитали назарияси ва функционал тамойиллари асосида жорий этиш белгиланди.

Функционал тузилма, бешта бўлинма иерархик эмас, балки параллел ихтисослашган тарзда лойиҳалашган бўлади. Бунда кредит таҳлили (12-15 мутахассис) AQR нинг ядроси бўлиб, PD/LGD/EAD параметрларини ҳисоблаш ва NPL классификацияси биринчи бўлинмага юклатилган. Бу ЕМБ 2014 AQR методологиясида ҳам кредит файлларини текшириш (Credit File Review) марказий блок бўлганлиги билан тўлиқ мос тушади. Гаровларни баҳолаш бўлинмаси (8–10 мутахассис) IFRS 13 мувофиқ баҳолаш стандарти ва RICS/AVA аккредитацияси талаби кўчмас мулк портфелининг Ўзбекистон банкларида юқори концентрацияси инобатга олинганлиги билан асосланади.

Стресс-тест ва моделлаштириш бўлинмаси (6–8 мутахассис) Econometrics, Python/R кўникмалари ва ЕБА/BCBS стресс-тест методологиясини талаб этади. Бу бўлинманинг таркиби ЕМБ нинг AQR дан кейинги комплекс баҳолаш (Comprehensive Assessment) методологиясига мос ҳисобланади. Ҳамда ECL валидацияси ва макросценарий моделлаштириш AQR якуний ҳисоботининг аниқлигини таъминловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади.

Умумий хулоса қилиб, AQR марказнинг 33–42 мутахассислик штати 9 та D-SIB ва йиллик 7–9 та банкни текшириш учун меъёрий ҳисобланади. Бироқ малака талабларининг юқорилиги CFA/FRM, MXXC 9, RICS/AVA каби сертификатлар талаб этилиши, Ўзбекистон меҳнат бозорида мавжуд кадр танқислиги дастлабки шароитда тўлдириш муаммоси хавфини туғдиради.

Ўзбекистон Марказий банки таркибида AQR Маркази (бўлинма) ташкил этиш ва MXXC 9нинг ECL параметрларини барча тижорат банкларида стандартлаштириш бўйича методогик кўрсатма чиқариш ҳамда «Big 4» билан ҳамкорликда 2026 йилда активлар сифатини баҳолашни амалга ошириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Халқаро стандартлар ва ташкилотлар

- [1] European Central Bank (ECB). (2014). Asset Quality Review - Phase 2 Manual. ECB Banking Supervision, Frankfurt.
- [2] International Monetary Fund. (2025). Republic of Uzbekistan: Financial Sector Assessment Program (FSAP). IMF Country Report.

- [3] International Monetary Fund. (2019). Financial Soundness Indicators Compilation Guide. IMF, Washington D.C.
- [4] Basel Committee on Banking Supervision. (2013). Basel III: The Liquidity Coverage Ratio. BIS, Basel.
- [5] Basel Committee on Banking Supervision. (2014). Net Stable Funding Ratio (NSFR). BIS, Basel.
- [6] Basel Committee on Banking Supervision. (2008). Principles for Sound Liquidity Risk Management (BCBS 144). BIS.
- [7] National Bank of Kazakhstan (NBRK). (2020). Asset Quality Review Results and Methodology. NBRK, Almaty.
- [8] Japan Financial Services Agency (FSA). (2003). Special Inspection Results. FSA, Tokyo.
- [9] World Bank. (2025). Republic of Uzbekistan - Financial Sector Assessment. World Bank, Washington D.C.

Илмий манбалар

- [10] Borio, C. (2010). Implementing the Macroprudential Approach to Financial Regulation. BIS Working Papers No 268.
- [11] Diamond, D.W., Dybvig, P.H. (1983). Bank Runs, Deposit Insurance, and Liquidity. *Journal of Political Economy*, 91(3), 401–419.
- [12] Allen, F., Gale, D. (2007). *Understanding Financial Crises*. Oxford University Press.
- [13] Berger, A.N., Bouwman, C.H.S. (2009). Bank Liquidity Creation. *Review of Financial Studies*, 22(9), 3779–3837.
- [14] Mishkin, F.S. (2004). *The Economics of Money, Banking and Financial Markets*. 8th Ed. Pearson.
- [15] Nouy, D. (2014). Press Conference on Comprehensive Assessment Results. ECB, Frankfurt, 26 October.
- [16] Enria, A., Farrugia, C., Kerr, J. (2017). The Leverage Ratio and AQR Adjustments. ECB Working Paper No 2038.
- 17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2020–2025).
- [17] Молиявий барқарорлик ҳисоботлари. URL: cbu.uz